УССР Давлат китоб палатаси
301194

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1994 йил 23 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. 53 (6641)

Фарзандларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаётган, уларнинг қалбида олижаноб фазилатларни қарор топтираётган инсонлар ҳамиша эъзозга лойиқдир.

Ислом КАРИМОВ.

"Йил ўқитувчиси—94" кўрик-танлови

ЎН ТЎРТ МУАЛЛИМ, ЎН ТЎРТ ФИДОЙИ

Дарҳақиқат, шундай. Бугун улар шаънига қанчалик таҳсин-тасанно айтсак, шунча оз. Бу муаллимлар ишда ижодкор, оилада меҳрибон бека, яхши ота ҳамдир. Баъзан шундай муаллимларни кўриб, қалбингиз жўшади. Буларнинг маърифат гулшанини обод этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари кўнглингизни тогдек кўтаради.

Ҳаёт — кашфиётлар олами. Тажриба, услуб, фикрлар уйғунлиги бамисоли беназир чашма, туганмас булоқ. У самарали меҳнат натижасида, исбот ва далиллар орқали ўғил-қизлар шуурига кўчади, туйғуларига таъсир қилади.

Ўқувчилар муаллимнинг фахри, келажаги. Шу боис улар нияти фарзандларни мустақил юрт қурувчилари, муҳандислари, илму маърифат фидойилари сафида кўришдир. Шу мақсад йўлида у ўғил-қизларга қалб қўрини, билимини бағишлайверади. Шунинг учун ҳам у ҳар қандай ҳурматга, эъзозга муносиб...

Танлов жараёнида вилоят ғолибларининг барчасида ажиб хислатлар мужассамлиги намоён бўлмоқда. Уларнинг бу фазилатлари пойтахтимиздаги 110-мактаб ўқувчилари ҳузурида ўтган дарсларида ҳам кўзга ташланди. Бу муаллимларни илм маскани ўғил-қизлари севиб қолишди, меҳр боғлашди. Шу ўринда мезбон мактаб жамоасининг меҳмондўстлигини айтиб ўтиш ҳам жоиздир.

Ташаббускорлик ва фаоллик, масалага таҳлил асосида ёндошиш ўқувчи тафаккурини уйғотишда муҳим омил ҳисобланади. Очиқ дарсларда, бу жиҳатлар, айниқса, ажралиб турди.

Тўғри, аввало, бу ғолиб муаллимлар ҳаётида ҳам ҳадикли дамлар, кунлар бўлган. Тинимсиз меҳнат, изланишлар натижасида ўқувчи қиёфасини шакллантириш орзуси тўла рўёбга чиққан. Ўқитувчиликнинг машаққати ҳам, шарафлилиги ҳам ана шунда — фидойиликда!

Бугун вилоят ғолиблари ўқитиш борасидаги услубларини, тажрибасини республика миқёсида намойиш этаётирлар. Муҳими шундаки, улар қалби илм равнақига ҳисса қўшиш иштиёқи билан ёнаётир. Биз "Маърифат"чилар ҳам "Эзгулик йўлидаги иштиёқингиз асло сўнмасин, азизлар!", деймиз.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

(Газетамизнинг учинчи саҳифасида "Йил ўқитувчиси—94" республика кўрик-танлови қатнашчиларининг дил сўзларини ўқийсиз).

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиблари

Ўзбекистон Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг талабаларни рағбатлантириш ва моддий таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларига номзодларни саралаш махсус танлов гуруҳи ўз ишини якунлади. Ҳар иккала вазирликнинг ҳайъати қарорига кўра, танловда иштирок этган ўн бир нафар талабадан қуйидаги олти нафари шу ўқув йили давомида Президентимизнинг махсус давлат стипендияларини оладиган бўлишди.

1. **Одилбек ЗОИДОВ** — Тошкент давлат педагогика институтининг математика факультети талабаси.

2. **Сарвар ОТАМУРОТОВ** — Тошкент давлат университетининг иқтисодиёт факультети талабаси.

3. **Алишер МАХСУМОВ** — Тошкент давлат техника университетининг техника ва информатика факультети талабаси.

4. **Ирода ҲОЖИМУҲАМЕДОВА** — 2-Тошкент давлат тиббиёт институтининг тиббиёт, фармация ва жисмоний маданият факультети талабаси.

5. **Гули ЖЎРАЕВА** — Тошкент давлат консерваторияси маданият ва санъат факультети талабаси.

6. **Азизбек ХОЛЛИЕВ** — Тошкент давлат университетининг гуманитар мутахассислиги факультети талабаси.

Ҳайъат аъзолари танловда иштирок этган барча талабаларнинг фан-техника сирларини янада мукаммал ўрганишга бўлган иштиёқларини алоҳида эътироф этдилар..

Нуфузли стипендия соҳибларини қизғин табриклаймиз!

Обуна—94

"МАЪРИФАТ"ЛИ ҚЎРҒОНТЕПАЛИКЛАР

Андижон вилоятининг Қўрғонтепа тумани маорифчиларини вилоятда энг фаол газетхонлар дейиш мумкин. Туманда жами 2300 халқ таълими ходими бор. У ерда обуна ўтган йили ҳам жуда уюшқоқлик билан ташкил этилганди. Бу йил ҳозиргача 1000 киши "Маърифат" учун ёзилди.

— Обуна муддати тугагунча бу рақамни 2000 га етказиш ниятимиз бор, — дейди газетхон маорифчиларнинг саховатли раҳбари Абдуҳалим Мақсудов. — Зеро, "Маърифат" — бизнинг доимий ҳамроҳимиз, фикримизни эркин айта оладиган минбаримиз.

Нима ҳам дердик, газетамизни мунтазам ўқиб боришга аҳд қилган экансиз. биз ҳам сизнинг оғирингизни енгил қилишга тайёрмиз.

Ўз мухбиримиз.

Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат йиғилишида

ҲУНАР ОЛТИНДАН ҚИММАТ

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги кўчма ҳайъат йиғилиши Андижон вилоятидаги Охунбобоев шаҳар миллий ҳунармандчилик лицейида ўтказилди. Бунинг сабабларидан бири — Андижонда ёшларга миллий ҳунармандчиликнинг сир-асрорларини ўргатиш, устоз-шогирдлик анъаналарини ривожлантириш борасида катта тажрибалар тўпланган. Зеро, ҳайъат йиғилишининг кун тартибига қўйилган асосий масала ҳам шаклланаётган бозор муносабатлари шароитида вилоят ёшларини миллий ҳунармандчилик касбларига ўргатиш ва фаолият кўрсатишга тайёрлашнинг аҳволи тўғрисида бўлди.

Меҳмонлар дастлаб вилоятдаги ҳунар ўргатишга ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган таълим муассасалари ёшлари томонидан тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотлари, хом ашёлар кўргазмасини томоша қилдилар. Кўргазма шунчалик катта ва ранг-баранг эдики, уни Осиё бозорининг бир бўлаги, дея баралла айтиш мумкин. Унда талаба-ёшларнинг таҳсинга лойиқ қўл меҳнати намуналаридан нон ва қандолатчилик маҳсулотлари, заргарлик, кулолчилик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, гиламдўзлик, каштачилик буюмларидан тортиб миллий либослар, уй жиҳозлари, пичоғу сандиқларгача намойиш қилинди.

Йиғилишнинг назарий қисми ишчанлик, амалий таклиф ва таҳлилларга бой руҳда ўтказилди. Сўзга чиққан нотиқлардан халқ таълими вазирининг муовини Хайриддин Маъсудов, Андижон вилояти меҳнат, бандлик, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи Исмоил Мамасолиев, Охунбобоев шаҳар миллий ҳунармандчилик лицейи директори Орифжон Мадалиев, Қўрғонтепа тумани халқ таълими бўлими мудири Абдуҳалим Мақсудов ва бошқалар ёшларга ҳунар ўргатиш борасидаги шарт-шароитлар, вазифа ва муаммолар хусусида фикр юритдилар.

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Жўрабек Халилов вилоятда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни халқ таълими ходимлари олдига мактабни битирувчи ёшларни ҳаётга тайёрлаш мақсадида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш вазифаларини ҳам қўйди. Мазкур вазифаларнинг келиб чиқишида ўзига хос сабаблар бор. Шаклланаётган бозор муносабатлари шароитида хом ашё-

(Давоми 2-бетда).

"ЙИЛ МАКТАБИ" РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ

ИЛМУ КАМОЛ МАСКАНЛАРИ

ТАФСИЛОТ

16—18 ноябрь кунлари Тошкентдаги Ўқитувчилар уйида "Йил мактаби—94" республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда ўн уч вилоят ҳамда Тошкент шаҳрининг ўз ҳудудларида фахрли биринчи ўринни эгаллаган мактаблари иштирок этишди. Танловдан кўзланган мақсад: "Таълим тўғрисида"ги Қонунни тўла амалга ошириш, халқ таълими тизимини янада жонлантириш, ёш авлодга таълим-тарбия беришни жаҳон мезонларига тенглаштириш, билимдон, зукко мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш, илм масканларида ўқитишнинг ноанъанавий, янгича усулларидан фойдаланиш.

ҚАЙД

Келажак мактабдан бошланади. Дарвоқе, том маънодаги Келажак, Ватан тушунчаларини биз энди англаб етдик. Бу кун мустақилликнинг илк мунаввар нурлари ўз келажагимиз, ўз Ватанимизни зоҳир этди.

Келажак мактабдан бошланади.

— Мактабнинг асосий вазифаси, — деди халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев мактаб директорлари билан ўтказилган давра суҳбатида, — янги давр кишисини тарбиялаш.

Бу жуда масъулиятли иш. Бу юрт тақдири, миллат тақдири билан боғлиқ нарса. Шу боис мактаб ана шу яратувчилик масъулиятини чин юракдан ҳис қилиши керак.

Давр янгиланди. Бу янгиланиш мактабда ҳам ўз аксини топмоғи лозим. Энди даққиюнусдан қолган, эски ўқитиш усули-ю ғоялар пардасига ўралган тарбияни замон кўтармайди. Бугун тараққиёт кемасини жаҳон лангаргоҳларига олиб кира олувчи ёшларни тарбиялайдиган мактаб керак. Бир сўз билан айтганда, бугунги кун мактаби. Танловдан келиб чиқувчи моҳият ҳам шу.

ТАФСИЛОТ

Танлов иштирокчиси бўлган ҳар бир мактаб жамоаси илғор иш услублари ва таълим-тарбия жараёнини ташкил этишдаги ноанъанавий тажрибаларини ёритган кўргазмасини Ўқитувчилар уйида намойиш этишди. Халқ таълими вазирлиги мактаблар Бош бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Қосимов раислигидаги ҳакамлар ҳайъати юборилган маълумотномалар, кўргазма ҳамда мактаб ҳаёти тасвирга туширилган видеотасма билан муфассал танишиб чиқдилар.

ҚАЙД

Кўргазмани томоша қилар экансиз, ҳар бир мактабнинг таълим-тарбиядаги ўзига хос йўналиши-ю услуби диққатингизни тортади. Ўн тўрт мактаб — ўн тўрт дунё. Тошкентдаги илмийлигу Намангандаги Шарқ анъаналарига эътибор, Сурхондарёдаги тадбиркорлигу Навоийдаги ижодийлик, Қорақалпоғистондаги экологик тарбиянинг ўзига хос йўлию Тошкент вилоятидаги ички назорат, Андижондаги миллий мактаб яратиш йўлидаги тажрибалару Бухородаги таълим кўп йўналишлилиги. Қашқадарёдаги ўқитиш демократиясию Жиззахдаги ноанъанавий усуллар.

Изланишлар, тажрибалар, ўзига хос йўллар. Мана, сизга Ўзбекистоннинг янги маориф дастури. Мана, сизга келажак мактаби. Хулоса қилдим: ўқитиш технологияси, бинобарин, мактаб янги босқичга, тараққиёт босқичига қадам қўймоқда. Мактаб тараққиёти эса Ватан тараққиёти.

ТАФСИЛОТ

Ҳакамлар ҳайъатининг "Йил мактаби" ҳақидаги Низом талаб ва мезонларига асосланиб чиқарган хулосасига кўра, Жиззах вилояти Зомин туманидаги Хайрулло Боқиев номидаги 1-ўрта мактаб биринчи, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Мирзо Бедил номидаги 13-ўрта мактаб иккинчи, Бухоро шаҳридаги 8-ўрта мактаб учинчи ўринни эгаллади. Уларга Халқ таълими вазирлигининг I, II, III даражали Дипломлари ҳамда ҳомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар топширилди. Шунингдек, барча қатнашувчиларга ҳам вазирлик дипломлари, ҳомийларнинг совғалари тортиқ қилинди. Турли ташкилот вакиллари китоблар ва гуллар тақдим этишди.

ҚАЙД

Кўрик-танлов тугади. Ғолиблар аниқланди.

Хаёлимдан бир фикр кечди: танловда иштирок этган мактабларнинг бирортаси атайлаб тайёргарлик кўрган эмас. Барчаси қилинган ва қилинаётган ишлар. Бу яхши. Демак, мактабни ривожлантиришга, эски қолиплар исканжасидан озод этишга интилиш бор. Намангланлик мактаб директори айтганидай, "ҳамиша мактабларимиз шундай бўлсин".

Билим масканлари раҳбарининг чиқишларида, гапларида фидойиликни кўрасиз. Фидойилик бор экан, маорифимиз аро йўлда қолиб кетмайди.

Яна бир гап. Мактаб директорларининг кўпчилиги ўз ишларини ҳимоя қилаётиб, асосий эътиборни таълим мазмунидаги ислоҳга қаратган ҳолда, мактабдаги тадбиркорликни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Тўғри, мактаб, аввало, таълим-тарбия ўчоғи. Лекин мустақил Ўзбекистон учун бозор иқтисодиёти шароитида яшай оладиган, унинг қонун-қоидаларини чуқур тушунадиган шахсларни тарбиялаш энг муҳим вазифа. Бу, таъбир жоиз бўлса, мактабга буюртмадир.

Ватан остонадан бошланади, дейишади. Аслида, бизнинг қутлуғ остонамиз — мактаб. Исмоилбей Ғаспирали айтгандай: "Ватанни севиш, аввало унинг маорифи тўғрисида қайғуришдир". Ҳақ гап.

* * *

Кўрик-танловнинг охирги куни иштирокчилар ўтган йилги кўрик-танлов ғолибларидан бири — Сирғали туманидаги 300-лицейда бўлишди. Билим даргоҳи ҳаёти билан танишиб, ўттизга яқин очиқ дарсларда қатнашдилар. Лицей директори Дилшода Абдуназарова таълим-тарбия борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди. Шундан сўнг бўлиб ўтган ўзаро савол-жавоб бундай учрашувлар ҳар томонлама фойдали эканлигини кўрсатди.

Асқар ШОКИРОВ,
"Маърифат" мухбири.

Суратларда: танловдан лавҳалар.

25 декабрь — Сайлов куни

БЎЛАЖАК САЙЛОВНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Қудратилла АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий Сайлов комиссиясининг раиси

Биз яшаётган давр йирик сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар давридир. Республикамиз ўз мустақиллигининг уч йиллигини тантанали нишонлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Тарихий нуқтаи назардан қараганда, бу катта давр эмас. Бироқ, ана шу қисқа муддат ичида муҳим воқеалар юз берди. Бу воқеалар бизда ўз кучимизга, чинакам истиқлолга эришиш, Ватанимизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги ишимизнинг олийжаноблигига ишонч ҳосил қилишимиз учун имкон берди.

Шу қисқа тарихий давр ичида жамиятимизни демократиялаш, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлини очиб берадиган бир қанча асосий қонунлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида чиқарилган сайлов тўғрисидаги бир туркум қонунлар, хусусан, Олий Кенгаш 1993 йил 28 декабрда қабул қилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонун шулар жумласидандир.

Маълумки, Олий Кенгашнинг XVI сессияси шу йил 23 сентябрда давлатимизнинг энг юқори ҳокимият органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи сайловни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Сайлов 25 декабрга тайинланган, бинобарин вақт оз қолмоқда, юксак даражада, Қонун талабларига тўла мос ҳолда ўтиши учун ҳамма ишларни амалга оширишимиз керак. Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, бўлажак сайлов бир қанча ғоят муҳим янги хусусиятларга эга. У, энг аввало, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга бевосита мутасадди бўлган кишилардан, яъни Марказий, округ ва участка сайлов комиссияларининг ходимларидан янгича ёндашув, чуқур ва пухта ўйланган қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Хўш, сайловнинг хусусиятлари нималардан иборат? Энг аввало, ушбу сайлов Ўзбекистон истиқлолга эришганидан кейин биринчи марта чинакам демократик йўсинда, кўп партиявийлик негизида ўтказилмоқда. Кўппартиявийлик эса сайлов муқаррар равишда муқобиллик асосида ўтишини тақозо этади. Маълумки, сайлов тўғрисидаги Қонун фақат сиёсий партияларга эмас, балки жойлардаги ҳокимият органларига ҳам депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини берган. Бу ҳол сайловчиларга жуда ноёб имконият яратади. Улар Олий ҳокимият органига фақат партия кўзлаган манфаатларнигина эмас, балки республикамизнинг барча минтақасида яшайдиган ҳамма аҳолининг манфаатларини ҳам ифода этадиган депутатларни сайлашлари мумкин бўлади.

Ҳамма депутатликка номзодларнинг сайловолди фаолияти учун қонун доирасида тенг ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб бериш ва уларга риоя этилишини таъминлаш энг муҳим вазифадир. Шундай экан, биз сайлов эркин, демократик сайлов бўлиши ва у халқимизнинг иродасини тўла-тўкис ифодалаши учун ҳамма ишни қилмоғимиз керак.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан бир қанча ишларни амалга оширди. Олий Кенгашнинг сайлов ўтказиш ҳақидаги қарори чиқиши биланоқ, Марказий сайлов комиссиясида қарорни бажаришга қаратилган асосий тадбирларнинг аниқ режаси тузилди ва у амалга оширила бошланди.

Республикамиз бўйича 250 округ ва 7192 участка сайлов комиссияси ўз вақтида тузилиб, улар ҳозирги пайтда ишлаб турибди. Ушбу комиссиялар таркибига меҳнат жамоаларида обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган муносиб кишилар киритилди. Айни вақтда уларнинг ҳаммаси партиясиз бўлиб, бу қонун талабларига тўла мосдир. Округ комиссияларининг таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимига кўра, Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланиб, республика ва тегишли вилоят газеталари саҳифаларида эълон қилинди. Участка сайлов комиссияларининг таркиби эса туман ва шаҳар ҳокимларининг тақдимига мувофиқ округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов ҳужжатларининг барча муҳим намуналари ва шаклларини, участка ва округ сайлов комиссияларининг муҳрларини тасдиқлади. Сайлов ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметаси ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда барча ҳужжатлар ва пул маблағлари, булардан ташқари округ сайлов комиссиялари учун муҳрлар жойларга юборилди.

Сайловни кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтказишни таъминлаш учун ҳам Қонунда белгиланган муддатларда чора-тадбирлар кўрилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз учун мутлақо янги бўлган ушбу ҳолат масалага пухта ўйлаб ёндашишни, ишнинг янги шакл ва услубларини излаб топишни тақозо этди. Қонун талабларига мувофиқ имзо варақасининг намунаси ва сиёсий партияларнинг Олий Мажлисга сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг имзоларини тўплаш тартиби ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида сиёсий партиялар тегишли ишларни ўз вақтида бошлаб Марказий сайлов комиссиясига барча зарур ҳужжатларни тақдим этдилар. Марказий сайлов комиссияси уларни кўриб чиқиб, Халқ демократик партияси ва "Ватан тараққиёти" партиясининг сайловда қатнашиши мумкинлиги ҳақида тегишли қарор қабул қилди.

Маълумки, сайлов тўғрисидаги қонун талабларига мувофиқ ҳокимиятнинг вакиллик органларига ўз ҳудудларида жойлашган 250 та сайлов округидан 250 нафар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилган. Сиёсий партиялар ҳам Қонунга мувофиқ 250 сайлов округининг ҳаммасидан 250 тадан депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга эдилар.

Шунга асосан халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши сессияларида ҳамда сиёсий партияларнинг съездларида депутатликка номзодларни кўрсатиш Қонунда белгилаб қўйилган муддатларга қатъий риоя қилинган ҳолда бошланди ва тугалланди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар ва жойлардаги вакиллик органлари кўрсатилган номзодлар бўйича тақдим этган барча ҳужжатларни қараб чиқиб, улар сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига қанчалик мувофиқ эканлиги ҳақида ўз хулосаларини берди ва бу ҳақда газета, телевидение, радио орқали жамоатчиликка ахборот етказиб турди.

Шундай қилиб, сайлов кампаниясининг муҳим босқичи — депутатликка номзодлар кўрсатиш тугалланди. Марказий сайлов комиссияси тақдим этган ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига 643 номзодни, шу жумладан, Халқ демократик партиясидан 247 номзодни, "Ватан тараққиёти" партиясидан 146 номзодни ва ҳокимиятнинг вакиллик органларидан 250 номзодни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳозирги вақтда Марказий сайлов комиссиясига тушган айрим аризаларни кўриб чиқиш тугалланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бўлажак депутатлар корпусининг таркиби анча янгиланади. Депутатликка номзод қилиб кўрсатилган 643 кишининг 62 нафари ҳозирги Олий Кенгаш депутати эканлигини айтишнинг ўзи кифоя. Номзодлар орасида 50 нафар аёл, 438 нафар Халқ демократик партиясининг аъзоси, 115 нафар "Ватан тараққиёти" партиясининг аъзоси бор. Деярли барча номзодлар олий ёки тугалланмаган олий маълумотга эга, 21 номзод ўрта маълумотли.

Хуллас, давлатимиз олий ҳокимият органи таркибига кимлар сайланмасин, улар ўқимишли, билимдон, ўз ишининг мутахассиси бўлган олимлар, юристлар, иқтисодчилар, муҳандислар, ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари, тижоратчилар, акциядорлар, фан ва маданият арбоблари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ходимлари бўлади.

Хуллас, Олий Мажлис депутати унвонини оладиган кишилар ёш, мустақил давлатимиз олдида турган барча муаммоларни мустақил ҳал қила оладилар.

Бугун бизга ёш, жамиятимизнинг, давлатимизнинг истиқболини ўзида мужассамлаштирувчи одамлар, айниқса, зарур. Шу муносабат билан депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинганлар орасида 173 киши, ёки жами номзодларнинг деярли учдан бир қисми 40 ёшга етмаган кишилар эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бўлажак сайловнинг яна бир хусусиятини кўрсатиб ўтиш керак. Олий ҳокимият органига депутат бўлиш учун 15 миллат вакиллари ўзаро мусобақалашади. Бу ҳол бизнинг кўп миллатли мамлакатимиз учун тамомила қонуний бир ҳол бўлиб, демократия, умумий тенгҳуқуқлилик, ҳуқуқий давлатни шакллантириш йўлининг мантиқий ифодасидир.

Олий Мажлис депутатлигига номзодлар рўйхати яқин кунлар ичида республика ва маҳаллий газеталарда эълон қилинади. Ана шу дамдан бошлаб сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ишнинг асосий оғирлиги округ сайлов комиссиялари зиммасига тушади. Округ комиссиялари ҳуқуқий мавқеининг хусусияти шундан иборатки, улар округда сайлов кампаниясини бевосита ташкил этиш билан бирга, айни вақтда қонуннинг бажарилишини назорат қиладилар, унинг қоидалари ҳамма ерда бир хил қўлланилишини таъминлайдилар.

Ўз-ўзидан равшанки, округ сайлов комиссияси вилоят, шаҳар ва туман маъмурияти билан, юстиция органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилгандагина таъсирчан назоратни йўлга қўя олади. Бу соҳадаги ҳамма ишни кенг ошкоралик руҳида олиб бориш зарур. Сайловчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонунга оғишмай риоя этилишини билишлари керак. Ушбу комиссиялар участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этишлари ва мувофиқлаштириб туришлари, пул маблағларини улар ўртасида мутаносиб равишда тақсимлашлари, зарур моддий-техникавий шароитларнинг яратилишини назорат қилишлари, участка сайлов комиссиялари иши устидан тушган ариза ва шикоятларни ўз вақтида кўриб боришлари шарт.

Округ сайлов комиссиялари барча участкаларда сайловчиларнинг рўйхатлари ўз вақтида ва тўғри тузилишини диққат билан назорат қилишлари лозим. Участка сайлов комиссиялари шаҳар ва туман ҳокимиятларидан уларнинг ҳудудида яшаётган сайловчилар тўғрисидаги аниқ маълумотларни ўз вақтида олишларини ва бу рўйхатларни ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этишларини кузатиб бориши зарур. Биздаги ҳисоб-китобларга қараганда, республикадаги барча сайловчиларнинг умумий сони 11 миллион кишидан ошиб кетади.

Сайловчилар рўйхатларини бехато ва мукаммал қилиб тузиш осон иш эмас. Сайловчи бирон-бир сабаб билан рўйхатдан ўз фамилиясини топа олмай ёки унда фамилияси бузилганлигини кўриб хафа бўлишига йўл қўйиш мумкин эмас. Сайлов тўғрисидаги Қонунда кўзда тутилганидек, сайловчилар рўйхатлари билан барча аҳолининг сайловдан камида 15 кун олдин, яъни кечи билан 10 декабрда танишиб чиқишини ҳамма ерда таъминлаш керак.

Округ сайлов комиссиялари депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинганларга ўз вақтида гувоҳномалар топширишлари, шунингдек, депутатликка номзодлар тақдим этган ишончли вакилларни рўйхатдан ўтказишлари ва уларга ҳам тегишли гувоҳномалар беришлари керак. Шу билан бир қаторда Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага ва шаклга мувофиқ сайлов бюллетени ва сайлов варағининг матни ҳам ўз вақтида тасдиқланиши, тайёрланиши ва участка сайлов комиссияларига етказиб берилиши зарур.

Участка сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар вакиллари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат уюшмалари, корхоналар, мулкчилик ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир ахборотлари ҳам мунтазам тинглаб борилмоғи даркор.

Округ сайлов комиссияларининг жуда муҳим вазифаси — барча депутатликка номзодлар учун сайловолди фаолиятида тенг шароит яратиб беришдан иборат. Марказий сайлов комиссияси ушбу масала юзасидан махсус қарор қабул қилди. Унда тегишли чора-тадбирлар назарда тутилган. Энг аввало, оммавий ахборот воситалари — газеталар, телевидение ва радио у ёки бу номзодни, уларнинг сайловолди дастурларини афзал кўрмасликлари керак. Ана шу мақсадда, Қонунга қатъий мувофиқ ҳолда Марказий сайлов комиссиясининг қарорида қуйидаги тадбирий чораларни амалга ошириш кўзда тутилган:

— Халқ демократик партияси ва "Ватан тараққиёти" партияси раҳбарларига ўз дастурларини баён қилиш учун республика телевидениеси ва радиоси орқали чиқиш имконияти берилади, уларга тенг ҳажмда эфир вақти ажратилади;

— Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига сайловолди платформаларини баён этиш учун республика телевидениеси ва радиоси орқали чиқиш имконияти берилади (вилоятларга алифбо бўйича ҳар куни икки-учтадан чиқиш). Бунда ҳам эфир вақтининг баравар бўлишига риоя этилади;

— республика телевидениеси ва радиосида сиёсий партиялар вакиллари ҳамда ҳокимиятнинг вакиллик органлари раҳбарлари иштирокида "Давра суҳбатлари" ташкил этилади;

— сиёсий партиялар раҳбарлари ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари раҳбарларининг сайловолди платформалари баён қилинган мақолалар "Халқ сўзи" ва "Народное слово" республика газеталарида эълон қилинади. Бунда эълон қилинаётган мақолаларнинг ҳажми тенг бўлиши кўзда тутилади.

Айни вақтда Марказий сайлов комиссиясининг қарорида жойларда сайловолди ташвиқотини кенг авж олдириш, бунда барча депутатликка номзодларга тенг шарт-шароитлар таъминлаб бориш кўзда тутилган. Ана шу мақсадларда маҳаллий телевидение ва радио, қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, вилоят ва туман газеталарининг имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланилади, номзодлар ва улар ишончли вакилларининг сайловчилар билан учрашувларини ўтказиш учун шароит яратилади.

Шу нарсани яна бир бор таъкидламоқчиманки, оммавий ахборот воситаларидан тўғри фойдаланиш сайловолди ташвиқотининг ғоят муҳим муаммоларидан биридир. Бу эса оммавий ахборот воситалари ишларини назорат қилишни округ сайлов комиссияларининг муҳим вазифасига айлантиради.

Ташвиқот чоғида ҳақоратларга йўл қўйиш мумкин эмас, ҳар бир депутатликка номзоднинг, барча сайловчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, омма орасида демократия маданиятини кенг ёйиш керак.

Оммавий ахборот воситалари орқали сайловолди ташвиқотини олиб бориш юзасидан белгилаб қўйилган тартибни ҳар қанақасига бузиш ҳақида Марказий сайлов комиссиясига, округ сайлов комиссияларига ёки судларга шикоят қилиш мумкин. Сайловолди ташвиқоти жараёнида қонунни бузишга йўл қўйилган ҳоллар ҳақидаги маълумот дарҳол чора кўриш учун оммавий ахборот воситаларининг раҳбарларига юборилмоғи керак.

Округ комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сайловолди ташвиқотини юритиш ҳуқуқини суиистеъмол қилиб, ҳақиқатга хилоф бўлган ва номзодларнинг, улар ишончли вакилларининг шаънига, қадр-қимматига ва ишдаги обрў-эътиборига зарар келтирадиган маълумотларни ва материалларни тарқатаётган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўришлари зарур.

Яна бир муҳим талаб шундан иборатки, сайлов олдидан олиб бориладиган бутун ташвиқот ишлари бузилмас конституциявий принциплар ас сида, сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига тўла жавоб бермоғи шарт. Қонунда "партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний хусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак", дейилади.

У ёки бу депутатликка номзодларни пропаганда қилиш учун Қонунда кўзда тутилмаган воситаларни жалб этиш йўлидаги уринишларга ҳам йўл қўймаслик керак. Давлат бизга сайловолди кампаниясини пул билан таъминлаш учун етарли миқдорда маблағ ажратган. Шундай экан, ундан тўғри фойдаланиш, барча номзодлар учун тенг шароит яратилишига қатъий амал қилиш зарур.

Сайлов жараёнини бевосита ташкил этиши керак бўлган участка сайлов комиссиялари зиммасига жуда катта ва ғоят масъулиятли вазифа юклатилган. Энг аввало, участка комиссиялари сайловчиларнинг рўйхатларини тузадилар, уларни ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этадилар ва бу рўйхатларга зарур ўзгартишларни киритиш масалаларини ҳал қиладилар. Бу комиссиялар биноларни тайёрлашни таъминлайдилар ва овоз бериш жараёнини ташкил этадилар, овозларни санаб чиқадилар, сайловни тайёрлаш ва овоз беришни ташкил этиш билан боғлиқ аризалар ва шикоятларни кўриб чиқадилар ҳамда уларни ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

Шу муносабат билан округ сайлов комиссияларининг аъзолари участкаларда ишни ташкил этишга жуда жиддий эътибор беришлари, участка комиссияларининг иши зарур даражада режалаштирилган, барча зарур шароитлар яратилган, пухта телефон алоқаси таъминланган бўлишини кузатиб туришлари керак.

Сайлов округидаги ишни ташкил этиш пайтида округ, шунингдек, участка комиссиялари аъзоларининг навбатчилик графигини тузишни назарда тутиш зарур. Бундан буён Марказий сайлов комиссияси, қоида тариқасида, ҳокимиятга эмас, бевосита округ комиссияларига мурожаат қилишини ҳисобга олиб, кундузи ҳам, кечқурун ҳам навбатчилар бўлишини таъминлаш керак бўлади. Навбатчи округдаги вазиятни яхши билиши, қўйилган масалага узил-кесил ва саводли жавоб қайтара билиши шарт. Шу муносабат билан округ комиссиясининг ҳар бир аъзосини округдаги муайян худудга бириктириб қўйиш ва унинг ахборотларини комиссия мажлисларида тинглаб бориш тўғри бўлур эди деб ўйлаймиз.

Округ сайлов комиссияларининг иш режасида сиёсий партиялар вакиллари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, мансабдор шахсларнинг сайловга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақидаги ахборотини тинглаш кўзда тутилган бўлиши керак. Хусусан, алоқа воситаларининг иши, маданий хизматни таъминлаш, полиграфия базасини тайёрлаш, ҳокимиятларнинг сайлов участкаларини зарур жиҳозлар ва материаллар билан таъминлаш борасидаги иши; участка сайлов комиссияларининг сайловчилар рўйхатларини тайёрлаш ҳақидаги ахбороти; аҳолига савдо, коммунал, транспорт ва маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳақидаги ҳисоботлар; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ахборотлари ва бошқа зарур масалалар диққат-эътиборда бўлиши шарт. Аниқланган барча камчиликлар юзасидан дарҳол тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, бу камчиликлар бартараф этилмоғи керак.

Сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини тайёрлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу ҳужжатларга округ бўйича рўхатга олинган барча депутатликка номзодлар киритилиб, уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, партиявийлиги, эгаллаб турган лавозими (машғулот тури) ва уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган орган ёзиб қўйилади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек, округ сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ, сайлов округидаги аҳолининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда босилади. Бюллетенлар маҳаллий вилоят босмаханаларида тайёрланади, улар учун керакли қоғоз юборилган.

Республикамиз мустақиллик йилларида кўп ютуқларни қўлга киритди. Лекин бизнинг асосий ютуғимиз — фуқаролар ўртасидаги тотувлик, жамиятдаги тинчлик ва барқарорлик, халқлар ўртасидаги дўстликдир. Биз буни бундан буён ҳам барча чоралар билан ҳимоя қилишимиз керак. Шу сабабли овоз бериладиган куни ҳар бир сайлов участкасида тартибни ва осойишталикни таъминлаш, Олий Мажлисга сайловни муносиб равишда ва аниқ ўтказиш жуда муҳимдир.

Ҳамма жойда қонун талаби оғишмай бажарилишига, яъни сайловчи сайлов бюллетенини олиш чоғида шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиб, рўйхатга имзо чекиши ва шахсан ўзи овоз беришига эришиш шубҳасиз зарурдир. Бунда сайловчи агар бюллетенга бир неча фамилия киритилган бўлса, у фақат битта фамилияни, яъни ўзи сайлашга лойиқ деб ҳисоблайдиган номзодни қолдириши, бошқаларни эса ўчириб ташлаши зарурлигини, акс ҳолда Қонунга мувофиқ бюллетень ҳақиқий эмас деб топилишини аниқ тушунтириш жуда муҳимдир. Белгилаб қўйилмаган нусхадаги бюллетенлар ҳам ҳақиқий эмас деб топилади.

Олиб борилаётган бутун сайловолди ишимиз сайлов тўғрисидаги қонун талабларини қатъий суръатда бажаришга, барча сайловчилар овоз беришда ғоят кенг демократик асосда, фаол ва манфаатдорлик билан ошкора ва очиқчасига иштирок этишларига таянмоғи зарур. Округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятларида ана шу қоидага қатъий амал қилишлари лозим.

Ишонч билан айта оламизки, барча сайлов комиссиялари жойлардаги ҳокимият органларининг фаол ёрдамида Олий Мажлисга ўтказиладиган биринчи сайловнинг эркин, демократик сайлов бўлиши, фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқларидан тўла-тўкис фойдаланишлари, жамиятимизда бундан буён ҳам тинчлик, тотувлик ва барқарорлик мустаҳкамланиб бориши учун зарур бўлган ҳамма ишни қиладилар.

ҲУНАР ОЛТИНДАН ҚИММАТ

(Боши 1-бетда)

лар тақчиллиги туфайли корхоналарда ишчи ўринлари қисқаряпти, шунингдек, оммавий ишчи кадрларга бўлган талаб ҳам камаймоқда. Бу каби муаммолар ёшларга оммавий равишда ҳунар ўргатишни, уларни кам харажатлар сарф қилиб иш билан таъминлашни тақозо этади. Ҳозирги кунда корхоналарда битта ишчи ўрнини яратиш учун 7 — 8 минг сўм харжланади. Бир кишига олти ой муддатда ҳунар ўргатиш учун эса 800 сўм сарфланади. Ана шуларни ҳисобга олиб, вилоят ҳокимиятининг қарори билан 1993 йили ёшларни оммавий равишда ҳунар ўргатишга жалб этиш бошланди. Дастурда белгиланган юмушлар қисқа вақтда ўз мевасини берди. Ҳозирги кунда 2000 нафар ёшлар ҳунар ўрганиб, мустақил иш бошлашди. 1994 йилнинг ўзида учта билим юрти миллий ҳунармандчилик лицейига айлантирилди. Уларда ёшларга ганч ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги, атлас тўқувчилик, гилам тўқувчилик бўйича пухта амалий ва назарий сабоқ бериляпти. Андижон шаҳридаги 37-ҳунар билим юртида эса заргарлик, пичоқчилик, мисгарлик ҳунарлари ўргатиляпти.

Ҳунар масканларида талабалар икки хил услубда: оммавий равишда ва устоз-шогирдлик анъанаси бўйича таҳсил олишяпти. Бу тутилган йўл яхши самара бераяпти. 1994 йилнинг ҳозирги кунига қадар билим юртларига 451 нафар ўқувчи қабул қилиниб, 293 нафар ҳунарманд тайёрланди ва 691 нафар ўқувчи ҳунар эгаллашни давом эттиряпти.

Андижонликларнинг яна бир ютуғи шуки, улар миллий ҳунармандчилик тизимига замонавий техникани олиб киришаяпти. Масалан, Охунбобоев шаҳар миллий ҳунармандчилик лицейида гиламларга ранг танлашда компьютердан фойдаланилади. Қўрғонтепадаги енгил саноат лицейида эса шартнома асосида териб олинган пахта шу ернинг ўзида қайта ишланиб, ундан турли маҳсулотлар, жумладан, ип, газлама, шолча, арқон тайёрланяпти. Бу ердаги тикувчилик цехида болалар ва катталар кийимлари, пахта теришда асқотадиган этаклар тикилаяпти. Ҳунар маскани жамоаси ойига 20 минг сўмгача даромад ишлаб топаяпти.

Вилоятда ёшларга ҳунар ўргатиш, уларни иш билан узлуксиз таъминлаш ва ишлаб чиқаришни равон йўлга қўйиш учун тўсқинлик қилаётган баъзи бир муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, миллий ҳунармандчилик бўйича малакали усталар етишмайди, кейинги пайтларда хом ашёларнинг тақчиллиги ҳам бир оз сезилиб қолаяпти. Ташкил қилинаётган ҳунар турларини ўргатиш бўйича жиҳозлар жуда кам. Айниқса, ўқув қўлланмалари, адабиётларга эҳтиёж сезиляпти. Бундай муаммоларни ҳал этиш учун давлат миқёсида дастур ишлаб чиқиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш зарур бўлади. Ҳозир эса бор имкониятлардан унумли фойдаланиляпти. Вилоят малака ошириш институтида услубий қўлланмалар яратиляпти. Яқинда халқ таълими бошқармаси қошида хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилди. Бу бирлашма ҳунар масканларида тайёрланган маҳсулотларни бошқа республикаларга сотиб, ўрнига зарур жиҳозларни келтиришга мўлжалланган. Шу йўсинда ўқув юртларидаги талаб ва эҳтиёжлар қисман қондирилиши мумкин.

Сўзга чиққан нотиқлар айрим камчилик ва нуқсонлар хусусида ҳам очиқ-ошкора тўхталиб ўтишди. Манзили аниқ кўрсатилган жойлар танқид қилинди. Бунга кўра, бир ҳунарни ўрганиш учун режада атиги олти ой ёки бир йил кўрсатилган. Аммо шундай ҳунарлар борки, уларни ўзлаштириб олиш учун беш-олти йил талаб қилинади.

Шунингдек, йиғилишда Қашқадарё, Хоразм ҳамда Тошкент шаҳрида фуқароларнинг хат ва аризалар билан ишлаш аҳволи, янги дарсликларни тасдиқлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Билдирилган фикрлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев нутқ сўзлади.

Ҳайъат йиғилиши ишида Вазирлар Маҳкамасининг сектор мудири М. Муҳиддинов иштирок этди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти раҳбар ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети курс тингловчиларининг халқ таълими органлари, республика муассасалари раҳбарлари билан учрашувлари анъанага айланиб қолди. Яқинда бу ерда мактаб директорлари тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларининг Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари билан учрашуви бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. С. Саиджонов шу куннинг долзарб муаммолари ҳақида маъруза қилди.

Маълумки, бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан мактабларнинг ўқув жиҳозлари, дарслик ва қўлланмалар билан таъминланишида кўпгина муаммолар юзага келди. Учрашув қатнашчиларининг жойлардаги мавжуд қийинчилик ва камчиликлар юзасидан саволларига вазир ўринбосари Й. Саиджонов, молия-режалаш бош бошқармаси бошлиғи Ш. Ғуломов, таълим-таъминот бош бошқармаси бошлиғи Б. Ҳамидов, педагогика таълими ва фан бош бошқармаси бошлиғи С. Зияевлар атрофлича жавоб беришди.

Мухбиримиз.

ТАНИШИНГ: "ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ-94" РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Қундуз ДАДАМУРАТОВА,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 134-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси:

Идрок ила ақлингга аюр яхши, ёмонни,
Беҳудага сарф этма, шу қимматли замонни.
Саъй эт, жадал эт, илм, фануна ҳаракат қил,
Боқ, найладилар ҳикмат ила ушбу жаҳонни.
Абдулла АВЛОНИЙ

— Тарбиянинг бир бутунлигини ҳозирги кунда оила, маҳалла, мактаб ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиги таъминлайди. Шаҳар халқ таълими муассасаларида бу борада бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Мактаблар ўз ён-атрофидаги маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорлик ҳақида шартномалар тузганлар. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда биз "Мактаб, маҳалла ва оиланинг ўзаро ҳамкорлиги" концепциясидан келиб чиқиб, бу йил илм масканимизда тажриба сифатида "Мактаб — оила" ўртасида шартнома туздик. Бу тажрибадан кўзланган мақсад бевосита ота-онанинг ўз боласи тарбиясига масъулиятларини оширишдир.

Масъулият ва бурч тушунчалари кўпроқ биз, муаллимларга тааллуқлидир. Чунки ўғил-қизлар тақдири бизга ишониб топширилган. Ўқувчига баҳо берилганда, аввало, унинг мактаби, устозлари тилга олинади. Мен 11 йилдан бери тарих дарсларида, илму маърифат сабоқларида масаланинг ана шу жиҳатларига эътибор бераман. Зотан, болалар — бизнинг келажагимиз, унда ўзлигимиз акс этади.

Хуррамтош БЎРОНОВА,
Навоий шаҳар Абу Али ибн Сино номидаги 11-мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси:

— Замонавий дарс. Бу сўз педагогик давраларда тез-тез тилга олинадиган бўлди. Айни пайтда педагог, психолог, услубчилар ҳам ўз тасаввури ва услуби билан бетакрор ва янгича дарс мезони яратишга ҳаракат қилишмоқда. Уларнинг ма садлари муштаракдир. Ҳар бир педагог дарс машғулоти давомида ўқувчиларга тарбия бериб, улар онгида билим, кўникма, малакаларни узвий равишда ҳосил қилишни ўз мақсадига айлантиради. Буюк немис педагоги Адольф Дистерверг ўқитувчи дарс беришга, ўйлашга мажбур эта олиши, энг муҳими, ўқувчида мустақил ишлаш истагини уйғотиш зарурлигини таъкидлаганди. Янги туғилган гўдакда фақатгина ҳиссиёт иши бошқа психологик хусусиятлар: диққат, ирода, идрок, хотира, тафаккур шахс тарбияси давомида пайдо бўлишини улуғ донишмандларимиздан ибн Сино ҳам айтиб ўтганлар. Демак, ўқувчиларимиз дастлаб дарсга кирган пайтида уларда ҳиссиёт ҳукмрон бўлади. Диққат, ирода, идрок, хотира, тафаккур эса навбати билан келиб, уларда чуқур билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш бевосита ўқитувчининг маҳоратига боғлиқдир.

Дарс натижаси талаб даражасида бўлиши учун ўқитувчи бошқарувчилик, зериктирмаслик ва зўриқтирмаслик асосида таълим-тарбия бермоғи лозим. Ҳар бир педагог дарсни педагогик-психологик нуқтаи назардан бошқариб, ўқувчилардаги қизиқиш, қобилият, истеъдод ва ўқувчи мижозини ҳисобга олиши керак. Юқоридаги талаблар асосида ўтилган ҳар қандай дарсни (хоҳ у ўта кўргазмаликка бой бўлсин, хоҳ аксинча, ёзув тахтасию дарсликдангина иборат бўлсин) мен замонавий дарс деб ҳисоблайман. Бутун ўқитувчилик фаолиятимда шундай дарс ўтишга ҳаракат қиляпман.

Маҳзуна САФАРОВА,
Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 11-мактаб химия ўқитувчиси:

— Тилсимли дунёга қизиқишим ҳамда кимёнинг халқ хўжалигига кенг кириб келиши мени шу соҳа мутахассиси бўлишга ундади. Ҳозир лицей синфларида ўзим тузган дастур асосида дарс ўтаяпман. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш учун турли усулларни қўллайман.

Ўқувчиларимнинг биронтаси ҳам дарс пайтида лоқайд ўтирмайди. Улар ҳамиша ўйлаш, фикрлаш, изланиш, меҳнат қилиш билан машғул бўладилар. Бунга қандай эришдингиз, дейсизми? Дарслик билан чегараланмай, қўшимча адабиётлар, матбуот янгиликларидан кенг фойдаланаман. Лицей синфлари учун ўзим тузган ўқув дастури, тест топшириқлари асосида иш олиб бораман. Айниқса, мен химиядан ўтказадиган диктантлар ижобий самара бераяпти.

Дарсларимда техник воситалар, жадваллар, тарқатма материаллар, карточкалар, "фойдали қазилмалар" намуналаридан, маҳаллий материаллардан унумли фойдаланаман. Диктант ўтказишда ҳар бир бола учун алоҳида вариант тузганман. Тест усулини мен беш йилдан бери қўллаяпман.

Натижалар чакки эмас. Шу йилнинг ўзида ўн икки нафар ўқувчим Термиз давлат университетига ўқишга кирди.

Тоҳир РЎЗИБОЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 9-ўрта мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси:



— Ёшим 34 да. Нукус давлат университетини битирганман. Ҳарбий хизматда бўлганман.

Сабоқ бериш мобайнида ўзига хос тажриба орттирдим. Ижод намуналарим газета ва журналлар юзини кўрди. Радио ва телевидениеда ҳам маърифатпарварлик ғояларини таргиб қиляпман.

Республика ижодкор ўқитувчиларининг П анжуманида қатнашганлигим ҳаётимда унутилмас воқеа бўлди.

Турмуш ўртоғим Гулзира Ҳожиева ҳам ўқитувчи. Икки ўғлимиз бор. Орзуларимиз эса бисёр...

Адҳамжон КАРИМОВ,
Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 1-ўрта мактабнинг меҳнат-чизмачилик фани ўқитувчиси:



— Мен 1961 йилнинг куз ойида ишчи оиласида таваллуд топганман. Аввало мактабда, сўнгра ҳунар-техника билим юртида, Чуст педагогика билим юртида, Наманган давлат университетида танлаган мутахассислигим бўйича таҳсил олганман. 14 йилдан бери 1-ўрта мактабда ўз соҳам бўйича болаларга сабоқ бериб келаяпман.

Ўтган давр мобайнида ўқув хонамда устахона ташкил этдим. Ҳозир унда турли ишларни бажарадиган 10 та электр станок бор. Уларда болалар ўз қўллари билан ясаган нарсаларни кўриб қанчалик қувонишса, бу менинг бахтим.

Ўқувчилар бошқа фанлардан олган билимларини меҳнат дарсларида амалий жиҳатдан пишитишади. Негаки, математика, химия, чизмачилик каби фанлар бевосита меҳнат таълими билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳар бир дарсни қизиқарли ўтишимда ўзим ясаган 100 дан ортиқ кўргазмали қуроллар қўл келаяпти. Ўқувчиларим туман, вилоятда ғолиб бўлишиб, республика миқёсида ўтказилган "Моҳир қўллар" беллашувида муваффақиятли қатнашишди.

Меҳнат таълими дарсларида ўқувчилар ясаган буюмни холис баҳолаш мақсадида ТВБ-4 аппаратини яратдим. У Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги услубий кенгаш томонидан барча мактаблар ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқитувчилари учун услубий кўрсатма сифатида тавсия этилган.

Жамила БОЛТАБОЕВА,
Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 6-ўрта мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси:

— 1959 йил асад ойида хизматчи оиласида туғилдим. Ўрта мактабни битиргач, журналист бўлиш илинжида Тошкент давлат университетига ҳужжат топширдим. Бироқ икки йил омадим келмади. Сўнгра Низомий номидаги педагогика институти тил ва адабиёт факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга кирдим. Шу йил ўзим ўқиган мактабга ёшлар етакчиси бўлиб ишга жойлашдим.

Вақти-соати келиб хушрўй йигит — жиноят қидирув бўлим инспектори Раҳимжон Болтабоев билан ўртамизда кўнгил ришталари боғланди, мен у кишининг никоҳига ўтдим. 1980 йил баҳорида оиламиз пештоқида бир юлдуз чақнаб, қизимиз Юлдузхон дунёга келди. Кейин яна икки қиз, бир ўғил кўрдим...

Велосипед, мотоцикл, машина ҳайдашни ўзлаштириб олганман. Адаси машина калитини яшириб, эҳтиётлаб юрадиган бўлиб қолганлар.

1993—94 ўқув йили мен учун омадли бўлди. Вилоят кўрик-танловида биринчи ўринни эгалладим.

Режа ва ниятларим кўп. Ёшларга пухта билим бериб, уларни илғор, маърифатли кишилар қилиб тарбиялашни ўзимнинг муқаддас бурчим деб ҳисоблайман.

Шаробиддин ҲАСАНОВ,
Андижон туманидаги 13-ўрта мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси:

Ўн иккинчи декабрь олтмиш тўртинчи йил,
Кумуш қиш либосин ёйган онида,
Қувонч ва шодликларга ошно бўлди дил,
Туғилдим ўқитувчи хонадонида.

Шаробиддин исмим эрур, дадам Аъзамжон
Она юртим — олтин бешик гўзал Андижон
Ҳабибахон волидам — меҳрибон онам
Бўла қолсин Сизларга жоним садаға
***
Ака-ука бештамиз биз ва бир синглимиз
Иноқ ўсдик, покдир доим қалбу кўнглимиз.
Ўқитувчи, дурадгор, ишчи, шифокор —
Ҳаммамиз ҳар ишдамиз хизматга тайёр.
Аввал мактаб, билим юрти, сўнгра олийгоҳ
Дунё сирларидан мени этдилар огоҳ.
Ўқиб доим билимнинг болини тотдим
Чин йўл дея устозлик йўлини топдим.
Кичик бир оиланинг соҳиби ўзим,
Рафиқамдир Рўзихон, билар иш кўзин.
Зилола гўзал қизим, Файзулло ўғлим,
Улар билан доимо тўлиқдир кўнглим.

ЎН ТЎРТ МУАЛЛИМ, ЎН ТЎРТ ФИДОЙИ

Тўлқиной ХАЛИЛОВА,
Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 20-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси:

— Қалбимда тарих фанига қизиқиш ўқувчилик давримдаёқ уйғонган. Шу боис ана шу фан мутахассиси бўлиш, унинг барча жабҳаларини аслидагидек ўрганиш азалий орзуим. Бугун тарихнинг асл моҳиятини тўғри талқин қилиб, ўқувчиларимни тажрибаларим, ўрганганларимдан баҳраманд этаётганлигимдан мамнунман.

Айни пайтда дарсларни китобдаги манбалар билан чегараланиб қолмасдан, балки матбуотда берилаётган дастурлар, замонавий янги қўлланмалар асосида, дарс-мунозара, дарс-саёҳат, савол-жавоб тарзида, кўргазмали қуроллар, ўлка тарихини, туғилиб ўсган, истиқомат қилаётган манзил манбалари асосида ўтаман.

Ижодкорлик, ташаббус ва фанни чуқур таҳлил этиш энг яхши одатларимдан бири. Берган сабоқларим натижаси ўлароқ, ўқувчиларим ҳар йили туман, вилоят ва республика олимпиадаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

Бўш вақтларимда рўзгор ишларини бажараман. Шунингдек, рақс тушиш ва ашула айтишга қизиқаман. Навоий, Бобур, Мирзо Бедил каби буюк алломалар ижоди намуналарини севиб мутолаа қиламан. Ўзим ҳам шеърлар ёзиб тураман.

Севара АМИНОВА,
Бухоро шаҳар Тўқимачилик туманидаги 23-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси:

— Ўқитувчилик фаолиятимни бошлаганимга анча вақт бўлди. Мактабга илк бор қадам босган чоғимдаёқ она тилига меҳр қўйдим.

Ўқитувчи ҳамиша ўқиши, изланиши керак, деган гапни кўп эшитганман. Болаларда ўқитаётган фанга қизиқишни ошириш, пухта билим бериш учун замонавий дарс усулларини жорий этишга ҳаракат қилдим. Бинобарин, дарсга қўйиладиган талаблар мезони талайгина. Ўқувчига шахс сифатида қараш лозим. Бунинг учун ўқитувчи юксак маҳорат эгаси бўлмоғи даркор. У ҳалоллик ва фидойилик каби фазилатларни ўзида мужассам этиши, ўқувчиси кўз ўнгида чинакам сабоқ берувчи, ҳаёт таълимини берувчи устоз сифатида намоён бўлиши зарур.

Бугунги мактаб "шодлик мактаби"га, бугунги дарс "қувонч дарси"га айланганда-гина ўқувчи мактабга, дарсга катта хоҳиш, ишонч билан отланади.

Ўқитувчи давр билан ҳамнафас бўлиши, яшаб турган замонидаги асосий воқеаларни билиши лозим. У замон талабларидан келиб чиққан ҳолда давр руҳига мос дарс яратсагина, унинг дарси замонавий бўлиши мумкин. Мен ўз иш тажрибамда бундай дарс турларини синаб кўрдим ва ижобий натижаларга эришдим. "Илмий-эртак дарси", "Чойхона-дарс", "Анжуман-дарс", "Мушоира — дарс", "Суд дарси", "Мусоҳаба — дарс" шулар жумласидандир.

Мен замонавий дарснинг ғоявийлиги, миллийлигига, эркинлигига диққатни кўпроқ тортиш зарур деб ҳисоблайман.

Замонавий дарс ўтишнинг муайян мезони йўқ. Дарснинг самарадорлиги ўқитувчининг билим ва тажрибасига, унинг педагогик маҳоратига боғлиқ.

Ҳабиба РУСТАМОВА,
Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 30-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси:

— Тошда гул ундириш мумкин бўлган серқуёш ўлкамизнинг кўрки-нафосатига янада кўрк бағишлаш, бетакрор табиатимизни кўз қорачиғидек асраш, авайлаш бугунги кунда ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бу ўринда бошланғич синф ўқитувчилари зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Бошланғич синфларда "Атроф-муҳит билан таништириш", "Табиатшунослик" сингари фанлар ўқитилмоқда...

Мен ҳар бир дарсни табиат билан боғлаб, қизиқарли ўтишга ҳаракат қилаяпман. "Табиатшунослик" фани дарсларини турли кўрсатмали қуроллар, диафильмлар, рангли расмлар, дидактик ўйинлар, мусобақа турлари орқали ўтсам, "Қиш" дарсларида ҳам табиатнинг ўзи экологик экан иги ҳақида тушунча бериб бораман. Пировард натижа чакки эмас. Болалар дарс аримни жон қулоғи билан тинглайди. Экологияга бўлган қизиқишлари ва муҳаббатлари кун сайин ошиб бораётир.

Самандар МАТЁҚУБОВ,
Хоразм вилояти Боғот туманидаги 2-иқтидорли болалар лицей-интернати она тили ва адабиёт ўқитувчиси:

— Бадиий адабиёт ўқувчида ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, олижаноблик ҳис-туйғуларини шакллантириш баробарида унда нафосат туйғусини ҳам пайдо қила боради. Бу эса ўз ўрнида болани гўзалликни хунукликдан, эзгуликни тубанликдан, саховатни ҳасисликдан, шодонликни фожеликдан ажрата билишга ўргатади.

Нафосат тарбияси бадиий адабиётнинг муҳим бир қисми. Мен табиатнинг беқиёс гўзаллиги, мафтункорлигини тушунтириш билан ўқувчини нафисликка ошно этишга ҳаракат қиламан.

Адабиёт ўқитувчиси маълум бир мавзуни ўтишдан олдин, аввало, ўқувчилар билан биргаликда шу мавзуга оид бир қатор тадбирларни ташкил этиши лозим. Масалан, тарихий музейга саёҳат: унда болалар асарда тасвирланган давр ҳақида ҳикоя қилувчи осори-атиқаларни томоша қилиб, муайян маълумотга эга бўлишади. Ҳаёт ҳақиқати билан бадиий ҳақиқат бир-бирига боғлиқ тушунчалар эканлигини англашади.

Ўқитувчи — келажак бунёдкори. Мен ҳам бу масъулиятни ҳис этган ҳолда ҳар бир дарсда ўқувчиларни нафосат ғояси орқали миллий руҳда тарбиялашга ҳаракат қиламан.

Мақсуда САЛИМОВА,
Жиззах вилояти Зомин туманидаги Х. Боқиев номидаги мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси:

— Педагогикага меҳр ота-онамдан ўтган. Касбимни жондилимдан севаман. Кунларимни мактабсиз тасаввур қилолмайман. Шогирдларим қаршисида тик туриб дарс ўтаётган онлар умримнинг саодатли дамларидир. Улар мени киприк қоқмай тинглайдилар. Идрок учқунлари сачраб турган кўзларидан дарсларимни тушунаётганликларини ҳис этаман. Дилимни фахр, ифтихор ва шукроналик ҳисси қамрайди. Шунда мен ўқитувчилик бир санъат эканлигини англайман.

Каттагина рўзгор бекасиман. Умр йўлдошим ва тўрт фарзандим ишонган боғим, суянган тоғларимдир. Дилбандларим учун ширин-шакар пиширириқлар, лазиз таомлар тайёрлайман. Бичиш-тикиш, тўқиш билан шуғулланаман.

Умуман, бахтиёр аёлман. Республика "Йил ўқитувчиси-94" кўрик-танловида қатнашиш истаги борлигимни эгаллади. Бу танлов оддийгина бир тадбир эмас, балки бизнинг ўқитувчилик маҳоратимизга қўйилажак олий баҳодир.

Оқилбек ЖОДИГАРОВ,
Сирдарё вилояти "Оқ олтин" туманидаги "Андижон" иқтидорли ўқувчилар мактабининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси:

— "Таълим тўғрисида"ги Қонун ўзини педагог деб билган ҳар бир ўқитувчини масъулиятни ҳис этиб изланиш, ташаббускорлик кўрсатишга, фарзандларга кўнгилдагидек таълим-тарбия беришга даъват этмоқда. Мен етти йилдан буён муаллимлик қиламан. Қисқа даврда эришган ютуқларим учун устозларим ва ҳамкасбларимдан миннатдорман.

Дарс-мунозара, савол-жавоб, мунозара-мулоҳаза, кўргазмали қуроллар билан ишлаш, матбуот конференцияси, шеърхонлик, ижод ва изланиш каби ўндан ортиқ усулда ўқувчиларга сабоқ бераман. Бир пайтнинг ўзида ҳам д рс ўтиб, ҳам сўраб, уйга вазифани текшира оламан.

Мутахассислигим бўйича эришган ютуқларим икки бор туманда оммалаштирилган. Ўқитувчиларимнинг бир неча нафари олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил кўришмоқда. Бўш пайтларимда бадиий адабиётлар ўқишни, деҳқончилик ишлари билан шуғулланишни, уй юмушларига ёрдам беришни яхши кўраман. Айниқса, адабиётчилар, тилчилар билан баҳслашиш, ҳамфикр бўлиш доимий одатим. Шу боисдан бўлса керак, дўстларимнинг асосий қисми шу соҳа мутахассисларидан иборат.

София ҚУРБОНОВА,
Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 1-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси:

Биз ким, мулки Турон,
Амири Туркистонмиз.
Биз ким — миллатларнинг
Энг қадими ва энг улуғи —
Туркнинг бош бўғинимиз.
Амир ТЕМУР.

— Ўтмишни унутган халқ ўзлигини унутади. Шунинг учун ҳам инсон баркамоллигини белгиловчи иймон ва эътиқод, инсоф ва виждон, сахийлик ва улуғворлик каби маънавият чашмаларининг кўзи бекилиб қолишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Инсон ҳамиша улуғ неъматларни, тарих ва келажакнинг ўлмас манзилларини кашф этиб бораверади. Дунё дунё бўлиб яралибдики, ортдаги ва келажакдаги улуғворликлар янгиланиб тураверади. Туғилиш ва эврилиш бор экан, тарих ва маънавият гилдираги бир соония ҳам тўхтам билмайди. Тарих битиклари худди чашма каби бўй кўрсатаверади. Бугунги кунда қадриятларимизнинг олис нуқталари ҳам тарих садоларига бориб уйғунлаша-уйғунлаша жонланади. Халқимизнинг чашмаларидан, хусусан, халқ педагогикасидан бебаҳра қолган одамларнинг маънавияти пок бўлиши даргумон...

Жонланиш лаҳзаларини ҳар сафар ўқувчиларим онги, шуурида кўраман. Меҳнатим натижасидан шодланаман. Ўн икки йиллик иш фаолиятимда ана шу каби ният ва орзуларимни уйғунлаштирган ҳолда дарс ўтиб келаман. Мақсадим, мустақил юрт фарзандлари камолини кўриб, фахр ва ғурур туйғуси ила юришдир. Зеро, муаллим учун бундан-да буюкроқ бахт йўқ!



Спорт

УЛАР БИЗДА ЎҚИШГАН

Шоирларимиздан бири: "Бизлардан чиқмади сира чемпион", дея куюниб ёзганди. Миллий спортга эътибор берилмаётган, миллий спортчилар Марказ назаридан четда қолиб юрган даврларда бу сўзлар кўнглимиздан бот-бот ўтганлиги рост.

Не бахтки, юрт истиқлоли миллий спортимизни ҳам уйғотди, унинг қаддини кўтарди. Спортчиларимиз жаҳон саҳналарида Ўзбекистон шаънини ҳимоя қила бошлади. Уларнинг ғалабаси шарафига тупроғимизда узоқ манзилларда қону жонимиздан яралган байроғимиз ҳилпираб, мадҳиямиз янграганда кўзларимиз севинчдан ёшланди. Бундай қувончли лаҳзалар, айниқса, Японияниг Хиросима шаҳрида ўтказилган XII Осиё ўйинлари вақтида тез-тез такрорланиб турди.

Кўкси медаллар билан тўлиб қайтган ўғилларини халқимиз ҳамон олқишламоқда. Улар билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказиб келаяпти.

Ўтган чоршанба куни Мирзо Улуғбек туманидаги 71-ўрта мактабда XII Осиё ўйинлари иштирокчилари, спортнинг пистолетда отиш тури бўйича олтин ва бронза медали соҳиблари Шуҳрат Аҳмедов ва Энвер Осмоновлар билан учрашув бўлиб ўтди.

XII Осиё ўйинлари чемпионлари учрашув иштирокчиларига спортда эришган муваффақиятлари, Хиросима таассуротлари ҳақида гапириб бердилар ва ўқувчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтардилар.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини Х. Маъсудов, 71-мактаб директори Г. Беляева Ш. Аҳмедов ва Э. Осмоновларга миннатдорчилик изҳор этиб, уларнинг бўлғуси ишларига омад тилашди. Кеча сўнгида Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини Х. Маъсудов ҳар иккала спортчига Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғи ҳамда вазирликнинг махсус мукофотини топширди.

* * *

Юнусобод туманидаги Зиё Саид номидаги 240-мактабда ҳам Хиросима шаҳрида ўтказилган XII Осиё ўйинлари иштирокчиси Константин Сарнацкий билан учрашув ўтказилди. Унда маҳалла аҳли, шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев сўз олиб, XII Осиё ўйинларида спортнинг енгил атлетика тури бўйича бронза медали соҳиби Константин Сарнацкийни қозонган ғалабаси билан қизғин қутлади, сўнгра унга шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг Фахрий ёрлиғи ҳамда пул мукофотларини топширди.

Мактаб ўқувчилари собиқ мактабдошлари шарафига шўх куй, қўшиқ ва рақслар ижро этиб беришди. Мазкур учрашув мактаб ўқувчилари қалбида унутилмас таассурот қолдирди.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
махсус мухбиримиз.

***

Хиросимада бўлиб ўтган Осиё ўйинлари мусобақаларида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги муассасалари вакилларидан 18 спортчи қатнашиб, улардан олти нафари медаль соҳиблари бўлишди.

Ўтган жума куни "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамиятининг ҳашаматли спорт залида Осиё ўйинлари совриндорларидан оғир атлетикачи Дмитрий Фролов ҳамда Игорь Халиловлар билан учрашув ўюштирилди.

Маросимни Ўзбекистон Республикаси "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши раиси М. Ҳайдаров очиб, ангренлик Дмитрий Фролов, андижонлик Игорь Халиловнинг республикамиз терма командаси таркибида халқаро мусобақаларда эришган ютуқлари ҳақида илиқ сўзлар айтди.

Биз ярим оғир вазндаги 22 яшар Дмитрий Чехословакия, Болгарияда оғир атлетика мусобақаларида олтин медаллар соҳиби бўлганлигини унинг устози Л. Н. игайдан эшитдик.

Учрашувда ёшлар ўртасида чемпионлик унвонига сазовор бўлган, собиқ Иттифоқ ва халқаро мусобақаларнинг бир неча бор совриндори, энг оғир вазндаги спортчи Игорь Халилов ва унинг устози А. П. Ким шаънига ҳам яхши гаплар айтилди.

Осиё ўйинлари совриндорларини Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Р. Саломов қизғин қутлаб, келгуси катта мусобақаларда уларга муваффақиятлар тилади ҳамда совриндорлар ва уларнинг мураббийларига вазирликнинг Фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотларини топширди.

Шунингдек, М. Ҳайдаров "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамиятининг пул мукофотлари ва фахрий ёрлиқларини топширди.

Учрашувда "Қувноқ стартлар" р спублика мусобақаларига ташриф буюрган Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ҳамда Сирдарё вилоятининг "Оқ олтин" тумани командалари вакиллари томонидан ҳам Осиё ўйинлари совриндорларига совғалар топширилди.

Мухбиримиз.

Олтин сандиқ

Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ

ФУТУВВАТНОМАИ СУЛТОНИЙ

ёхуд жавонмардлик тариқати

ИККИНЧИ ФАСЛ.

ТАРИҚАТ АРБОБИ ЁКИ УЛАР ТОИФАЛАРИНИНГ ОДОБИ ҲАҚИДА

Бу неча хил бўлиши мумкин? Аввало пир ва устоз (билан муомала) одоби, кейин ота-онани ҳурмат қилиш одоби ва яна қариндош-уруғ, дўст-ёрлар, ошнолар, ҳамсоялар билан муомала одоби бор.

Агар ота ва онага нисбатан одоб неча хил бўлади, деб сўрасалар, ўн икки хил, деб айт. Биринчидан, керакли даражада уларнинг ҳурматини сақлаш. Иккинчидан, улардан дунё молини аямаслик, уларга қаттиқлик қилмаслик. Учинчидан, қилган яхшиликларни миннат қилмаслик. Тўртинчидан, ота-она юзига тик қарамаслик. Бешинчидан, агар ота ва она чақирсалар, зудлик билан ҳузурларига келиш. Олтинчидан, ота ва она билан мулоқотда юзини тескари бурмаслик. Еттинчидан, агар гуноҳга сабаб бўлмаса, нимаики буюрсалар, бажариш. Саккизинчидан, ота-она билан суҳбатда ёки улар ҳузурида бошқалар билан гапирганда овозни кўтармаслик (бақирмаслик). Тўққизинчидан, ота-она ризолигисиз, дуосисиз сафарга чиқмаслик. Ўнинчидан, ҳар доим ота-она хурсандлигини таъминлаш пайида бўлиш. Ўн биринчидан, ота-онага марҳаматни ибодат деб билиш, яъники "жаннат оналар қадамининг остида" эканлигини унутмаслик.

Агар қариндошлар билан муомала одоби нечта, деб сўрасалар, еттита деб айтгил. Аввал шуки, улар билан алоқа — борди-келдини узмаслик керак, зеро силаи раҳм (яқинларни сийлаш) пайғамбар суннатидир. Ва бу умрни узайтиради. Иккинчидан (қўлдан келса), маблағ билан уларга кўмаклашиб туриш. Учинчидан, уларнинг хурсандлигини баҳам кўриш ва ғаму андуҳидан қайғуриш. Тўртинчидан, мадад бериш пайтида, ўзини олиб қочмаслик. Бешинчидан, ҳар қанча жафо кўргузсалар ҳам, уларга жафо қилмасдан, аксинча, вафо ва меҳрни канда қилмаслик. Олтинчидан, уларнинг душманлари билан ошночилик қилмаслик. Еттинчидан, уларнинг молу мулкига қасд қилмаслик, чунки агар қариндошлар молига кўз олайтирсанг, номусинг, қадрингни кетгизасан.

Агар дўстларга нисбатан одоб шартлари нечта, деб сўрасалар, айтгинки, дўстлигига ҳеч бир шак-шубҳа уйғотмайдиган кишининг бешта хислати бор. Биринчиси — етук ақл, ақлсиз кишининг суҳбатида файз йўқ, улуғларнинг сўзи борким: "Нодон дўстдан доно душман афзал". Иккинчиси — яхши хулқ, чунки бадахлоқ одам билан суҳбат қовушмайди. Учинчиси — яхши ният, некбинлик, зеро бадкирдор ва фосиқдан дўст чиқмайди. Тўртинчиси — қаноат, чунки мол-дунёга ўч чўкўз одам дўстликка арзимайди. Бешинчиси — тўғрилик, зеро кимки эгри, фирибгар ва қаллоб бўлса, унинг суҳбати кишига шараф келтирмайди, негаки бундай одамнинг лафзи ишонарли эмас.

Агар мажозий дўстлик қанақа бўлади, деб сўрасалар, айтгилки, ғараз ва фойда — тамаъ асосига қурилган ошнолик мажозий (ўткинчи) дўстликка киради. Бундайларнинг ошнолигига эътимод йўқ, чунки у бирор манфаатни кўзлаб яқинлашади, иши битгач, дўстликни узади ва агар мабодо мақсади амалга ошмаса, унинг дўстлиги душманликка айланади. Бундайлар ширинликка ёпишган пашшага ўхшайдилар, ширинликни еб тугатгандан кейин дастурхон эгасини талайдилар...

Агар ҳақиқий дўст муяссар бўлса, унинг одобини қандай риоя этиш керак, деб сўрасалар, айтгин: ҳақиқий дўстликнинг одоби йигирмата нарсага риоя қилмоқдир, яъни: аввал шуки, мол-дунёни ундан аямаслик керак, агар ҳамма бойликни беришни иложи бўлмаса-да, лекин унинг ҳожатини чиқарадиган даражада бериб туриш керак. Иккинчидан, унинг сирини бировга айтмаслик ва сирни жон ичида сақлаш лозим. Учинчидан, унинг айбини бошқалардан беркитиш, аммо ўзига айтиш, токи у айбини йўқотишга чора қилсин. Тўртинчидан, унинг сўзларини жон қулоғи билан эшитиш. Бешинчидан, унинг сўзларига эътироз билдирмаслик ва сўзидан хато қидирмаслик. Олтинчидан, унинг номини яхшилик билан тилга олиш. Еттинчидан, унинг борлиғидан ва кўрсатган карамидан шукр қилиш. Саккизинчидан, унинг орқасидан яхши гаплар гапириб эсга олиш. Тўққизинчидан, насиҳатга зарурат туғилса, оҳиста ва лутф билан гапириш, дағаллик ва таънага йўл қўймаслик. Ўнинчидан, унинг хатоларини кечириш ва кўрмасликка олиш. Ўн биринчидан, ўз юкини унга ағдармаслик. Ўн иккинчидан, унинг шодлигига шодланиб, ғамгинлигида ғамгин бўлиш. Ўн учинчидан, уни кўрганда, биринчи бўлиб салом бериш, мактубни самимий дуо-салом билан бошлаш. Ўн тўртинчидан, ҳурматини жойига қўйиб, эъзозлаш. Ўн бешинчидан, унинг сўзини бўлиб, гап қистирмаслик. Ўн олтинчидан, ўзига раво кўрганни унга ҳам раво кўриш. Ўн еттинчидан, уни яхши бир вазиятда таърифлаш. Ўн саккизинчидан, мажлисда уни олдинга ўтказиш ва муносиб ўринга ўтиргизиш. Ўн тўққизинчи, ёрдам зарур бўлган пайтда ҳимоя қилишдан чекинмаслик. Йигирманчи, унинг душманлари билан дўстлик қилмаслик ва унинг дўстларига душманлик қилмаслик. Ва моҳият шуки, ҳақиқий дўстни чин юракдан севмоқ ва муносабат муомалада буни амалда кўрсатмоқ шарт. Билгилки, оламда яхши дўстдан кўра саодат йўқдир:

Эй дўст, эшит, барча молингни сарфла
Бир ёр топки, жаҳон саодати шул...

Агар ошноларга нисбатан адоб шартлари нечта, деб сўрасалар, бешта деб айт. Аввал шуки, ошноликни соат сари ошириб бориш керак. Иккинчидан, қўл билан, тил билан ҳар навъ қилиб бўлса ҳам, нафъ етказиб туриш лозим. Учинчидан, насиҳатни дариғ тутмаслик, ошнолардан бирор нарса тамаъ қилмаслик. Тўртинчидан, доимо уларнинг аҳволидан сўраб-суриштириб, хабардор бўлиб туриш. Бешинчидан, агар улар ёмонлик қилса, хоҳиш-маломат қилмаслик.

Агар қўшнилар билан муомала-муносабат одоби нечта, деб сўрасалар, ўн тўртта деб айтгил: аввал шуки, уларга меҳрибон бўлсин. Иккинчи, панду насиҳатни дариғ тутмасин. Учинчи, агар ёмонлик кўрса ҳам уларни беобрў қилмасин. Тўртинчи, имкони еткунча қўшниларга мададкор бўлиб, ҳамият кўрсатсин. Бешинчи, ўз юкини уларга ортмасин, балки улар кўнглининг юкини кўтарсин. Олтинчи, агар уларнинг ҳожатини чиқарса, миннат қилмасин. Агар қўшнилардан нафъ етса, шукрини қилсин. Саккизинчи, агар қўшнилар камчиликни кўрсатсалар, шикоят қилмасин. Тўққизинчи, агар камбағал ва муҳтож бўлсалар, бор нарсасини бериб, савоб олсин. Ўнинчи, агар бирор асбоб-ускуна сўраб чиқсалар, очиқ кўнгил билан берсин. Ўн биринчи, туз, сув ва ўтинни улардан қизғанмасин. Ўн иккинчи, қўшниларнинг ёш болаларига меҳрибонлик кўрсатсин. Ўн учинчи, таъзия ва тўю маъракада улар билан бирга, ҳамдам бўлсин. Ўн тўртинчи, ариқ ва сув кетадиган жойлар, дераза ва даричалар ва бошқа қўшнилар фойдаланадиган нарсаларга монеълик қилмасин, хуллас, қўшнининг ҳурмат-эҳтиромини ҳамма вақт ўз ўрнида сақласин.

Агар бегоналар билан одоб шарти нечта, сўрасалар, олтита, деб айт. Аввал шуки, ҳеч кимга ҳақорат (камситиш) кўзи билан қарамасин. Иккинчидан, бегоналар суҳбатига суқулмасин. Учинчидан, уларнинг ёқимсиз сўзларини эшитмасин. Тўртинчидан, агар ножўя ҳаракат кўрса, насиҳат билан тушунтирсин. Бешинчидан, уларга шафқат кўрсатишни тарк этмасин. Олтинчидан, уларни яхшилаб синаб, муносиб деб билмагунча суҳбатга йўлатмасин.

(Боши ўтган сонда. Давоми бор).

ТАЛАБАЛАР БАЙРАМИ

Тошкент давлат университети маданият саройида Халқаро талабалар кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларининг вакиллари, илм аҳли, олимлар, профессор-ўқитувчилар, аспирантлар иштирок этдилар.

Анжуманни университет ректори, Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, физика-математика фанлари доктори, профессор Тўхтамурод Жўраев очиб, талабаларни байрам билан қутлади ҳамда улар олдида турган муҳим вазифалар, замонавий фан-техника билимларини ўзлаштиришда ёшлар эришаётган ютуқлар хусусида маъруза қилди.

Халқаро талабалар байрами муносабати билан сўзга чиққан кўплаб олимлар, аспирант ва талабалар бозор иқтисоди шароитининг айрим муаммоларига қарамай, республикамиз раҳбарияти ва ҳукумати томонидан яратилаётган шарт-шароитлардан миннатдор эканликларини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қўмитаси, Республика талабалар жамғармаси шу куни фанларни "аъло" ва "яхши" ўзлаштириб келаётган талабаларни Фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирладилар.

Кеча сўнгида Тошкент давлат дорилфунуни қошида ташкил топган ёшлар ансамбли йиғилиш аҳлини хушнуд этди.

Мухбиримиз.

ЭЪЛОН

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1994 йил декабрь ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди.

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади.

1. Биологияни чуқур ўрганадиган мактаб ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1—27 декабрь.
2. Тарих бўйича туман мактаб методбирлашма раҳбарлари — ўзбек гуруҳи — 5—17 декабрь.
3. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари учун мақсадли курс — ўзбек гуруҳи — 5—17 декабрь.
4. Чет тили ўқитувчилари учун мақсадли курс — ўзбек гуруҳи — 19—24 декабрь.
5. Олий ва 1-тоифали рус тили ўқитувчилари (рус мактабларида ишловчи) — рус гуруҳи — 15—27 декабрь.
6. "Одобнома" бўйича маърузачилар гуруҳи — ўзбек гуруҳи — 1—27 декабрь.
7. Куни узайтирилган гуруҳларнинг тарбиячилари — ўзбек гуруҳи — 5—17 декабрь.
8. Ёрдамчи мактаб-интернатларининг тарбиячилари — рус гуруҳи — 1—27 декабрь.
9. ЭҲМ ва математика бўйича ВЎМОИ методистлари — ўзбек гуруҳи — 5—10 декабрь.
10. ВЎМОИ физика фани методистлари — ўзбек гуруҳи — 12—17 декабрь.
11. Олий ва 1-тоифали физика ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 15—28 декабрь.
12. Ўрта мактаб директори — ўзбек гуруҳи — 1—27 декабрь.
13. Ўрта мактаб директори (қозоқ, қирғиз, туркман) — ўзбек гуруҳи — 1—27 декабрь.
14. Олий ва 1-тоифали жисмоний тарбия ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1—27 декабрь.
15. Мусиқа ўқитувчилари учун мақсадли курс — ўзбек гуруҳи — 15—27 декабрь.
16. Катталар таълим маркази (ЦОВ) директорлари — аралаш — 1—27 декабрь.
17. Кечки мактаб директорлари — ўзбек гуруҳи — 1—27 декабрь.
18. Олий ва 1-тоифали меҳнат ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 1—27 декабрь.
19. Давлат ҳуқуқи ва асослари ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 30 ноябрь — 27 декабрь.

Курсга келган тинглов чилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

24 кунлик курсга келган тинглов чилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санатория-профилакторияга 2 декабрь кунигача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ, Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани Саидов кўчаси 6-уй. Талабалар шаҳарчаси. Телефон: 46-06-62, 46-06-67.

Маорифимиз фидойилари

БАРКАМОЛ ЎҚИТУВЧИ



Агар ўқитувчи фақат ишга меҳр қўйган бўлса, у яхши ўқитувчи бўлади. Борди-ю ўқитувчи ишга меҳр қўйиш билан бирга ўқувчига ҳам меҳр қўйишни ўзида мужассамлаштириб юборган бўлса, у баркамол ўқитувчи, — деган эди Лев Толстой.

Ўлмас Юнусов ана шу икки хислатни ўзида жамлаган баркамол ўқитувчилардан. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини битиргандан сўнг, мана, 30 йилдан буён Тошкент шаҳридаги 22-мактабда ўқувчиларга биология фанидан сабоқ бериб келаяпти.

Ўттиз йил. Бу давр мобайнида муаллимлик касбини эъзозлаб, унга ўз тақдирини боғлаб келишнинг ўзи бўлмайди.

Ўлмас Юнусовда энг асосийси, болага меҳр бор. Бу меҳр болаларни домлага, домлани болаларга боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтамоқда.

Иш фаолиятини мазкур мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида бошлаган. Ўлмас ака 1958 йилдан ҳозирга қадар илмий бўлим мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида у катта жамоага бошчилик қилиш билан бирга моҳир педагог, тарбиячи-ташкилотчи сифатида танилиб келди.

Ўлмас ака доимо изланишда. Унинг дарслари ҳамиша қизиқарли, жонли, кўрсатмали, илмий асосланган ҳолда ўтади. Замон руҳи билан ҳамнафас ишлаётган моҳир педагог ҳар бир ўқувчига пухта билим бериш ва мустақил ҳаёт фаолиятига тайёрлаш муаммоси устида ишлаб келмоқда.

Мактабда илмий бўлим мудири бўлиб иш бошлаган куниданоқ ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасининг шаклланишига, ўқув-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Домла ёшларга жуда ғамхўр. У ёш мутахассислар, иш тажрибасига эга бўлмаган ўқитувчилар билан кўп ишлайди. Уларнинг дарсини кузатади, мураббийларга бириктиради, ўз тажрибаси билан ўртоқлашади.

Ўлмас Юнусов ўзининг чуқур билими, бой иш тажрибаси, меҳнатсеварлиги, камтарлиги билан ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида ҳурмат қозониб келмоқда.

— Ҳаётимиздаги ҳамма ижобий ишларда устозим, халқ ўқитувчиси Ҳакимжон ака Ҳошимовнинг ҳиссаси беқиёс, — дейди Ўлмас ака. — Мен у кишидан бир умр миннатдорман.

Х. МУРОДОВ.

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

Александр Николаевич Игнатьев илгор муаллимлардан. Ўн бир йилдирки, у Бағдод туманидаги Ўрмон Аҳмедов номидаги 17-ўрта мактабда бошланғич ҳарбий таълимдан сабоқ бераётир. У ўзбек тилини мукаммал ўрганиб олганлиги туфайли машғулотларни шу тилда бемалол олиб боряпти.

А. Игнатьевнинг саъй-ҳаракати билан мактабда дарсларни ўтказиш учун моддий база яратилди, ҳарбий таълим кабинети ташкил қилиниб, намунали жиҳозланди. Шунингдек, илм масканида жанговар ва меҳнат шуҳрати зали, ўқув-ҳарбий қуроллари сақлаш хонаси мавжуд.

Мактабда ҳарбий ватанпарварлик тарбияси тобора яхшиланмоқда. Айниқса, ҳарбий хизматга чақирилувчилар ўртасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Илғор иш тажрибалари бўйича мактабларарo ўтказилаётган мусобақаларда мазкур мактаб ўқувчилар жамоаси олдинги ўринни эгалламоқда. Яқинда мактабда туман мактаблари ҳарбий таълим ўқитувчиларининг семинари ўтказилди. Семинарда моҳир педагог А. Игнатьев ўз иш тажрибаси билан ўртоқлашди.

Зокир БОТИРОВ.

Мактабгача тарбия муассасаларида

КИТОБНИ СЕВҒАН БОЛАЛАР...

Пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туманида жойлашган 484-"Наврўз" болалар боғчаси Тошкент шаҳар сув хўжалиги тармоғи қарамоғида. Унда меҳнат аҳлининг 240 нафар ўғил-қизи меҳр оғушида тарбияланмоқда. Уларга 27 нафар тарбиячи ва бошқа ходимлар парвона бўлишаётир. Жажжилар масканига малакали ва тажрибали педагог Махсума Иноятова раҳбарлик қилмоқда. Унинг ташаббуси билан боғча намунали мактабгача тарбия муассасасига айлантирилди. Ўз ишининг билимдони, услубшунос Альфия Исанова амалга оширилаётган ҳар бир ишда мудиранинг ҳамфикри, маслакдоши, маслаҳатгўйи.

Боғчада ҳар бир иш пухта режа асосида ташкил этилган. Педагогик жамоа кичкинтойларни жисмонан соғломгина эмас, балки маънавий етук қилиб тарбиялашда ҳам фидойилик кўрсатиб келмоқда.

Боғчада турли тиббий жиҳозлар билан жиҳозланган муолажа хонаси мавжуд. Унда қўли енгил шифокор Тамара Гамченко хизмат кўрсатмоқда. У меҳнатсеварлиги ва ўз касбига фидойилиги туфайли жамоа меҳрини қозонди. Ҳамширанинг ҳушёрлигидан бўлса керак, бу жажжилар ошёнида турли юқумли касалликларга чалинган болалар йўқ ҳисоб. У овқатлар хилини танлашда ошпазларга яқиндан ёрдам бераяпти.

— Давлатимиз болалар боғчаларини озиқ-овқатдан қисмаяпти. Бор нарсаларни мазали қилиб пишириш ўзимизнинг қўлимизда. Тўйимли ва енгил ҳазм бўладиган овқатлар билан таъминланган болалар соғлом бўладилар. Соғлом бола эса фикрлашни, ҳаракат қилишни хши кўради, — дейди у.

Боғчада яхши бир одат бор экан. Тановвул пайтларида мудира-ю, тарбиячилар дастурхон атрофига ўтиришмайди. Улар ҳар бир боланинг овқатни иштаҳа билан қолдирмай ейишини назорат қиладилар. Шунингдек, бу ерда исрофгарчиликка ҳам йўл қўйилмайди.

А. Қодирий номидаги маданият институтининг катта ўқитувчиси Муяссар Неъматова билан мудира Махсума опа маслаҳатлашиб, боғчада кутубхона ташкил этишга қарор қилдилар. Асосий ишни мудира билан тарбиячилар ва услубшунос амалга оширишган эса-да, назарий жиҳатларига Муяссар опа кўмаклашди. Ниҳоят, жорий йилнинг апрель ойида чоғроққина бир хонада кутубхона ташкил бўлди. Китобларни йиғишда ота-оналар яқиндан кўмак бердилар. Бугунги кунда бу жажжи нурхонада 3000 нусхадан ортиқ китоб бор. Уларнинг ҳар бири алиффбо тартибида токчаларга тартиб билан териб қўйилган Кичкинтойлар бўлимида ўзбек, рус ва бошқа халқ эртаклари, афсоналари, ҳикоялари ўрин олган, ота-оналар бўлимида эса улар ўқиши лозим бў ган фойдали маслаҳатлар ёзилган китоблар бор.Методик бўлим тарбиячиларга мўлжалланган.

Мудиранинг гапига қараганда, бошқа болалар боғчаларидан ҳам тарбиячилар келиб кутубхонадаги китоблардан баҳраманд бўлишаётган экан. Бу ерда ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ота-оналар куни ўтказилади. Белгиланган кунларда ота-оналар боғчага келиб маслаҳат қилишади, китоблардан фойдаланишади.

Гуруҳларни айланиб чиқарканмиз, тайёрлов гуруҳидаги болаларнинг ўқиш ва ёзишни ўзлаштириб олганликларининг гувоҳи бўлдик.

Мудиранинг фикрича, боғчаларда кутубхоналар бўлиши керак.

— Китобни ўқиган бола олижаноб бўлиб ўсади, — дейди у. — Биз болаларимизнинг қалбини ҳам тарбиялашимиз, фикрлаш қобилиятини бойитиб боришимиз шарт. Маънавий етук болаларгина соғлом жамиятни қура оладилар. Бунинг учун улар боғча ёшиданоқ китобга меҳр қўйишсин.

Хуллас, китобни севган болалар ошёни тўғрисида узоқ гапириш мумкин. Республикада биринчи бўлиб кутубхона ташкил этган боғча жамоасининг саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватлашга лойиқ.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Республика Ўқув-методика марказининг дефектология бўлими "Истиқболли дефектология" дастури бўйича 1994 йилга режалаштирилган махсус таълим иш тизимини бугунги кун талаблари даражасида ҳал қилиш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Яқинда Буюк Британия тифлопедагог (кўзи ожиз болалар билан ишлаш) ўқитувчилари билан ҳамкорликда "Фазода ўзўзини идора қилиш" мавзусидаги ўн кунлик семинар курси ўтказилди. "Мерси Проджикт" компанияси билан тузилган ҳамкорлик шартномаси махсус таълим-тарбияга оид халқаро тажрибаларни ўрганиш ва татбиқ этиш ишларига самарали ёрдам бераяпти.

Р. Шомаҳмудова.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати Тошкент автомобиль йўллари институти ректори, профессор
Салим ПЎЛАТОВ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маориф вазирининг собиқ ўринбосари, Фахрийлар кенгашининг раиси И. С. Мўминовга умр йўлдоши, маориф фахрияси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи
Екатерина Моисеевна МЎМИНОВА
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ҳамда физика факультети жамоаси физика ўқитиш услубиёти кафедраси доценти Ф. Тошмуҳамедова онаси
МАСТУРА ТОШМУҲАМЕДОВА
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Маҳкам Раҳмонов, Дилбар Хўжаева.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—1246. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6